Соғлиғинг – бойлигинг, дейишади. Аммо фарзанднинг соғлиғи – ундан-да устун бўлар экан. Буни ўз бошимдан ўтказгач, яна бир бор амин бўлдим. Яқинда бошимизга бир мусибат тушди. Бир инсон, аниқроғи, ўз ишининг моҳир устаси – врач туфайли ушбу мусибатдан халос бўлдик.

*Изҳор*

# Сизни ХАЛОСКОР деб атасак арзийди...

Воқеа бундай бўлган эди. Ўн икки яшарлик ўғлим Акбаржон (шўхликдан бўлса керак) разъездда тўхтаб турган электропоезднинг вагони устига чиқиб юрмоқчи бўлади. Шунда у 27 минг ваттлик кучланишга эга бўлган электр майдонига тушиб, оёқ кийими ва шими ёна бошлайди. Пастдаги одамлар вагон устида ёнаётган ўғлимни қутқариш учун дод-фарёд қилишади. Буни сезган поезд ҳайдовчиси сим орқали келаётган токни ўчириш учун навбатчи мутахассисларга зудлик билан телефон қилиб, симдаги токни тўхтатади. Вагон устида ҳушсиз ётган болани тушириб олади. Акбаржоннинг оёқ-қўллари, баданлари, бошидаги сочлари аллақачон куйиб, ўзи эса ҳам қўрқувдан ҳам ёнғин туфайли жонсиз ҳолга келиб қолган эди. Мен бундан хабар топиб, шу заҳоти туман “Тез ёрдам” марказига телефон қилдим, улар ўғлимни зудлик билан республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд вилоят филиалига олиб келишди.

Ўғлим Акбаржон оқ чойшаб устида жонсиздек қоп-қора бўлиб ётар эди... Шифокорлар тезда йиғилишиб, ўғлимни кўриб, “Энди умид йўқ” хулосасига келишаётганди... Шунда зангори халатли, жуссадор врач йигит ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам қўлимиздан келадиган ҳамма чорани кўрамиз, деб кўнглимизга умид бағишлади. Даҳшатли воқеадан карахт бўлиб шифохона фойесида турар эканмиз, ҳалиги йигит тез-тез олдимизга чиқиб, “Акбаржон соғаяди, биз уни ҳеч нарса бўлмагандек даволаймиз” деб бизни тинчлантирар эди. Унинг бу сўзлари қалбимизни умид чироқлари сингари ёритгандек бўлди.



▲ **СУРАТДА:** *Акбаржон Яхшибоев ҳамда врач-комбустиолог Эркин Ҳакимов.*

Ниҳоят саккиз кундан сўнг ўғлим кўзини очди, лекин унинг баданига қараш ўта даҳшатли эди. Фақатгина унинг икки сони, қўлтиғининг атрофи куймай қолган экан. Бир ойдан сўнг, куймай қолган танадан қирқимлар олиниб, аста-секин куйган жойларга ёпиштира бошлади. Бу амал беш марта такрорланиб, етмиш саккиз кун мобайнида куйган таналар ямалиб, натижа кутилганидан ҳам яхши бўлди. Ахир, 85 фоиз куйган баданни ўз ҳолига келтириш, бошидан яна соч ўстириш, юзларига чирой бахш этиш осон иш бўлмаса керак. Лекин беморларнинг ҳақиқий халоскори, жонкуяр шифокор Эркин Ҳакимов буни уддалай олди.

Ҳаётда нима ширин деган саволга кўпчилик турлича жавоб беради. Ота-оналар фарзанд дейишса, кексалар ҳаёт дейишади. Агар эрталабдан кечгача шифтга кўз тикиб ётган беморларга шу савол билан мурожаат қилинса, улар албатта шифокорнинг ширин сўзи дейиши аниқ. Чунки шифокор тўшакка михланиб қолган беморнинг синиқ, умидсиз қалбида ёниқ орзулар уйғотади. Ўғлимнинг халоскори Эркинжон ҳам шундай шифокорлар сирасидан экан. Бўлимдаги тартиб-интизом, жамоа ўртасидаги ишга муносабат, беморларга ҳурмат-илтифот яхши йўлга қўйилганлиги мақтовга лойиқдир.

Албатта, буларнинг барчаси марказ директори Ж.Ахтамов, бош врач А.Ишанқуловларнинг эътиборлилигидан бўлса керак. Мен яна бир бор бўлим бошлиғи, даволовчи врач Эркин Ҳакимов, маслаҳатчи-профессорлар Худойберди Қорабоев, Б.Турсунов, врачлар Муса Ҳайдаров, Шавкат Жалилов, Шоҳжаҳон Раҳмонов, фельдшер Эркин Қаршиев, ҳамшира Майсара Суярова ва бошқа навбатчи ҳамширалар ҳам ўғлимнинг соғлиғини тиклашда баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшган шифокорларга миннатдорчилик билдираман.

Айни кунда ўғлим Акбаржон Самарқанд шаҳридаги 50-сонли мактабнинг 7-синфида аъло баҳолар билан ўқияпти. Унинг шодон кайфиятда юрганини, ўқишини ҳамда келажакка ишонч билан қарашини кўрар эканман, кўз ўнгимда ўша даҳшатли воқеа ва шифокорлар, хусусан Эркинжон жонланади. Ниҳоятда хурсанд бўлиб кетаман. Ҳаётнинг мазмуни шундай инсонлар билан гўзаллигига иқрор бўламан.

**Акрам ЯХШИБОЕВ**
*Самарқанд вилояти*



# СПОРТ

## “Насаф”да янги ҳомий

ФУТБОЛ

***Ўзбекистон миллий чемпионатининг олий лига аъзоси – Қаршининг “Насаф” жамоаси ўз муассисига эга бўлди.***

Клуб раҳбарияти Шўртан газ-кимё мажмуаси билан узоқ муддатли шартнома имзолади. Мажмуа директори сенатор Алишер Султонов футболнинг ашаддий мухлисларидан бири. Ўзбекистонда аёллар футболини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг фидойилиги билан Қарши шаҳридаги собиқ “Геолог”, ҳозирги аёллар ва болалар соғломлаштириш маркази замонавий кўриниш олди.

– Биз Алишер Саидаббосович билан биргаликда “Насаф”нинг аввалги шуҳратини тиклаймиз, – дейди клуб менежери Баҳром Давлатов. – Вилоятнинг бош футбол жамоаси ҳақиқий профессионал клубга айланади. Бунинг учун барча шарт-шароитлар етарли. Энг аввало, клубнинг инфратузилмасини янгидан ишлаб чиқамиз. Ишга ёндашиш тубдан ўзгаради. Бир сўз билан айтганда, “Насаф”да ҳақиқий ислоҳот бошланди.

“Насаф” раҳбарияти россиялик мутахассис Виктор Кумиков билан икки йиллик шартнома имзолади. Лекин шартноманинг бир банди бор, унга кўра Россия премьер лигаси клубларидан таклиф тушса, мураббийга рухсат берилади. Шунда ҳам бу йил эмас. 2009 йилги футбол мавсумида Виктор Кумиков “Насаф”да бош мураббий бўлиб фаолият кўрсатади.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

## Мусобақа ғалаба билан бошланди

***Қатарда ўтказилаётган футбол бўйича “Дўстлик кубоги” халқаро мусобақасида биринчи тур баҳслари бўлиб ўтди. Унда иштирок этаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари дастлабки учрашувини Беларусь ёшларига қарши ўтказишди.***



Ўйиннинг биринчи бўлимида вакилларимиз ҳам, рақиблар ҳам эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилдилар. Учрашув охирларида Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари ҳисобда олдинга чиқиб олишга муваффақ бўлишди. Моҳир ҳужумчиларимиздан бири Алишер Азизов Европа қитъаси вакилларининг дарвозасини ишғол этди. Ушбу ҳисоб ўйин якунига қадар сақланиб қолди.

“А” гуруҳининг иккинчи ўйинида Қатар ёшлар терма жамоаси малайзиялик тенгдошларини йирик 4:0 ҳисобида доғда қолдиришди. “В” гуруҳидаги Япония-Сурия баҳсида суриялик футболчилар 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишган бўлса, БАА ва Сербия ўртасидаги беллашувда 1:1 ҳисоби қайд этилди.

## Пешқадам мағлуб бўлди

ШАХМАТ

***Шу кунларда пойтахтимиз Тошкент шаҳрида шахмат бўйича йирик ёшлар мусобақаси бўлиб ўтмоқда. Унда 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган 100 нафардан ортиқ шахматчи иштирок этаяпти.***



Илк турларданоқ рақиблари устидан ғалаба қозониб, етакчиликни қўлга олган ФИДЕ устаси Ирина Геворкян кутилмаганда еттинчи турда мағлубиятга учради. Унинг ғолибона юришини Улуғбек Тиллаев тўхтатишга муваффақ бўлди.

Бу мағлубиятдан Иринанинг таъқибчилари Олег Артеменко ва Борис Лебедев унумли фойдаланишди. Улар ўз партияларини ютиб, ҳисобларидаги очколарини 4,5 га етказиб олдилар. Пешқадам ҳисобида эса 5 очко бор.

## Шарапова курашга тайёр эмас



***Россиянинг энг кучли теннисчи қизларидан бири Мария Шарапова янги мавсумнинг асосий мусобақаси – “Катта Дубулға” туркумига кирувчи Австралия очиқ чемпионатида иштирок этолмайди.***

ТЕННИС

Унинг сайтида ёзилишича, Шарапова ҳали тўлиқ спорт формасига кириб улгурмаган. Елкасидан олган жароҳати туфайли деярли ярим йил мобайнида кортга чиқмаган теннисчи январнинг илк кунларидан машғулотларни бошлаб юборди. Ўзи эса “Катта Дубулға” туркумидаги йирик мусобақаларда катта куч билан қатнашиш лозимлигини ва бунинг учун тайёргарликни камида бир ой олиб бориш кераклигини айтиб ўтди. Шарапова Австралия очиқ чемпионатининг амалдаги ғолиби ҳисобланади.

Эслатиб ўтамиз, Австралия очиқ чемпионати Мельбурн шаҳрида 19 январдан 1 февралга қадар ўтказилади.

**Суннатилла ИСЛОМОВ**

*Биласизми?*

# Ер ноки

***Ер ноки мураккабгуллилар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик. Ватани Шимолий Америка. Маҳаллий ҳиндулар бу ўсимликни “топинамбо” деб номлашади. Мазкур ўсимлик Европада пайдо бўлгач, Франция ва Англияда ер ноки сабзавот маҳсулоти сифатида кенг тарқалиб кетди.***



Ер ноки Голландия ва Бельгияда азизланувчи неъмат сифатида мусалласда қайнатилиб, сариёғ билан истеъмол қилина бошлаган. XVII асрда ер нокининг туганаклари озиқ-овқат маҳсулоти бўлибгина қолмасдан, балки юрак хасталиклари давоси тариқасида фойдаланилган. Бунинг учун ер ноки туганакларидан тайёрланган дамлама (мусаллас асосида) юрак ороми сифатида фойдаланилган.

Ўлкамизда ҳам етиштириладиган бу ўсимликнинг туганаклари истеъмолга яроқли маҳсулот бўлиб, чўзиқроқ, сарғиш-оқ ёки қизил кўринишда бўлади. Ўсимлик кўринишидан кунгабоқарга ўхшайди. Яхши шароитда ер нокининг бўйи 3 метргача етиши мумкин. Ер ноки ўта беор ўсимлик, ҳар қандай жойда ҳам ўсаверади.

Ер нокининг туганаклари қишнинг аёзли кунларида ҳам тупроқ тагида сақланади. Ўсимлик туганакларини қиш бўйи тупроқдан қазиб олиб, ишлатиш мумкин. Унинг туганаклари ўзининг таркиби бўйича картошкага яқин туради. Ер ноки туганакларида салмоқли миқдорда полисахарид моддаси бўлади. У озиқ-овқат маҳсулоти сифатида одам организмида парчаланишида фруктозани ҳосил қилади. Бу жараён қандли диабет билан оғриганлар учун фойдали манбадир.

Ер нокининг туганаклари одатда қайнатилган, қовурилган, буғлатиб пиширилган ҳолда, шунингдек уни хомлигича ҳам истеъмол қилса бўлади. Шу боисдан ҳам уни ер ноки деб номлашади.

Ер ноки туганаклари йилнинг февраль ёки март ойларида тупроқнинг 15 см. чуқурлигига, 30 см. оралатиб, марза оралиғи 90 см. лик ариқларга экилади. Мабодо ўсимлик чанқаб қоладиган бўлса, ҳосил-туганаклари қинғир-қийшиқ, ғуддадор бўлиб қолади. Ўсимликни суғориб туриш ҳосилнинг салмоқли, мўл бўлишига олиб келади. Ёзнинг бошларида ер ноки худди картошка каби тупроғи юмшатилиб, туплар тупроқ билан бўғизлатиб қўйилади, шунда туганаклар тупроқ юқорисида ҳам “болалайди”.

**Маннон НАБИЕВ**
**тайёрлади.**










Чоштепа кўчаси 173-уйда жойлашган Чоштепа махсус йўл хизмат пудрат таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонаси (МЙХПТФДК) (ИНН 200239320) Тошкент вилоятидаги “Назарбекавтойўл” давлат корхонаси таркибига қўшилишини маълум қилади. Чоштепа МЙХПТФДКнинг ҳуқуқий вориси “Назарбекавтойўл” давлат корхонаси ҳисобланади. Даъволар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Янгиобод қўрғони, Мирзо Улуғбек кўчаси, 186-уй.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани Чилонзор-15-мавзе, 7^-уй, 50-хонадонга 2008 йил 14 ноябрда берилган 5970 сонли гаров маълумотномаси (уй эгаси Абдалиева Маҳбуба) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан 1998 йил 12 январда К.А.Собировга берилган № 1349469189 рақамли ер кадастри ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб томонидан 2005-2006 йили 11-синфни тамомлаган Баратова Диёра Дилшодовна номига берилган O'R-SH 0530763 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 301-мактаб томонидан Хамитова Гулчехра Тургуновна номига 1993 йилда берилган 9-синфни тугатганлиги ҳақидаги № 051510 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети томонидан 2007 йили Жураев Бекзод Асатиллаевич номига берилган М № 030359 рақамли магистрлик дипломи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги “TATTOO BIOTEK” (ИНН 301002486) хусусий корхонаси барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини сақлаган ҳолда ўз номини “TATTOO BIOTEK” нодавлат таълим муассасаси деб ўзгартирмоқда. Тел.: 704-35-61.

Тошкент шаҳар Сергели тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2008 йил 26 мартда № 001600-06 реестр рақами билан рўйхатга олинган “UCHQUN-FARM-SERVIS” (ОКПО бўйича код 22355459) хусусий корхонаси ўз мақомини “UCHQUN-FARM-SERVIS” масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирмоқда. Тел.: 488-12-62.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ
Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Акром АРИПОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Раҳматилла РЎЗИҚУЛОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Валерий УСТЮГИН, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Оловуддин ИБРАГИМОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Агитай АДИЛОВ, Ғофир АЛИЕВ, Тўланбой КАРИМОВ, Шуҳрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17, Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-44-43, 233-28-04. Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 585-16-12; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах - 265-78-52; Навоий – 224-69-08; Наманган – 412-34-23; Фарғона – 224-81-69; Самарқанд – 222-29-97; Сурхондарё – 541-99-07; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 505-49-16; Қашқадарё – 227-65-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
Ⓣ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: М.ЮСУПОВ
Мусаҳҳиҳ: С.ИСЛОМОВ
Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 -рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба (“Ҳаёт”-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-18, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.45
18219 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1234 678